

**Ишлаб чиқарышда шовқиннинг
юзага келиш сабаблари ва
манбалари. Шовқиндан муҳофаза
чора-тадбирлари.**

Режа:

- 1. Ишлаб чиқаришда шовқин, унинг одам организмига заарли таъсири.**
- 2. Товуш ва шовқин, уларнинг физик моҳияти.**
- 3. Товуш ва шовқинни тавсифловчи асосий катталиклар.**
- 4. Шовқинни синфлаш ва меъёрлаш.**
- 5. Шовқиндан ҳимояланиш үсуллари ва воситалари.**
- 6. Шовқинни ўлчаш асбоблари.**

Товуш ва шовқинни тавсифловчи асосий катталиклар

Товуш - бу кучи, частотаси ва амплитудаси бўйича маълум бир гармоник боғланишга ва уйғунликка эга бўлган тебранишлардан иборат бўлиб, у инсон учун зарур ижобий маълумот етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шовқин эса **кучи, частотаси ва амплитудаси** бүйича маълум бир гармоник боғланишга эга бўлмаган бир қатор тебранишлар (товушлар) йиғиндисидан иборат бўлиб, у инсонда **салбий сезгилар** ҳосил қиласди.

3.1. Товушлар ва шовқинлар физик ва психофизиологик күрсаткичлари билин характерланадилар:

А. Товуш ва шовқиннинг физик күрсаткичлариға қуидагилар киради:

- товуш босими;
- товуш жадаллиги, кучи;
- товуш босими даражаси;
- товуш жадаллиги (кучи) даражаси;
- тебраниш частотаси.

Б. Товуш ва шовқинларнинг психофизиологик кўрсаткичларига қуидагилар киради:

- товушнинг таъсир қилиш вақти, t , соат;
- товуш баландлиги, (тебраниш амплитудаси билан характерланади);
- товуш қаттиқлиги, яъни тони баландлиги, (тебраниш частотаси билан характерланади);
- товуш тембри, (обертоналарнинг частотаси ва амплитудаси билан характерланади, обертоналар – бу товуш таркибидаги нисбатан юқори частотага эга бўлган тебранишлардир)

3.2. Товуш ва шовқинларнинг физик кўрсаткичларини алоҳида қараб чиқамиз:

1. Товуш босими - Р, Па.

- Муҳитда товуш тўлқинининг тарқалиши унда даврий равишда босим ошиши ва камайиши, яъни босим тебраниши ҳолатини юзага келтиради.
- Товуш ҳосил бўлган муҳитдаги тўла босимнинг оний қиймати билан тинч муҳитнинг ўртача босими орасидаги айирма товуш босимини ташкил қиласида ва инсон қулоқ пардасига таъсир қилиб товуш сезгисини ҳосил қиласида.
- Таъсир қилаётган босим қанча катта бўлса, товуш баландлиги ҳам шунча катта бўлади.

- Инсон қулоқ пардаси биологик аъзо сифатида товуш босимини $2 \cdot 10^{-5}$ паскалдан $2 \cdot 10^2$ паскалгача оралиқда қабул қилиш хусусиятига эга.
- Шунинг учун $2 \cdot 10^{-5}$ Па эшитиш бўсағаси, $2 \cdot 10^2$ Па эса оғриқ сезиш бўсағаси деб аталади (расм).
- $2 \cdot 10^2$ паскалдан юқори босим қулоқ пардасида механик жароҳатланишлар келтириб чиқаради.
- Оғриқ сезиш бўсағаси эшитиш бўсағасидан 10^7 марта каттадир.

2. Товуш жадаллиги (кучи) – J , $\text{Вт}/\text{м}^2$.

- Товуш тарқалиш йўналишига перпендикуляр ҳолатда мухитнинг бирор нуқтасида жойлашган бирлик юзага нисбатан вақт бирлиги ичидаги олинган ўртача энергия оқими товуш жадаллигини (кучини) ташкил қилади ($\text{Вт}/\text{м}^2$):

$$J = \frac{F}{S} = \frac{F}{4\pi r^2}$$

- Товуш тебраниш частотаси 1000 Гц бўлганда эшитиш бўсағасига мос келувчи товуш жадаллиги (кучи)

$$J_0 = 10^{-12} \quad \text{Вт}/\text{м}^2,$$

- оғриқ сезиш бўсағасига мос келувчи товуш кучи эса

$$J = 1 \quad \text{Вт}/\text{м}^2 \quad \text{ташкил қилади.}$$

- Бу товуш жадалликлари (кучлари) орасидаги нисбат, 10^{12} мартадир.

3. Товуш босими ва жадаллиги (кучи) даражалари – L_P ва L_J , дБ.

- Товуш босими даражаси ва товуш жадаллиги (кучи) даражалари қуидаги ифодалардан аникланади:
- Товуш босими даражаси –

$$L_P = 20 \lg \frac{P}{P_0} \quad \text{дБ}$$

- Товуш жадаллиги (кучи) даражаси -

$$L_J = 10 \lg \frac{J}{J_0} \quad \text{дБ}$$

бу ерда

- P - изланаётган товуш босими, Па;
- P_0 - эшитиш бўсағасига мос келувчи товуш босими, ($2 \cdot 10^{-5}$ Па);
- J - изланаётган товуш кучи, Вт/м²;
- J_0 - эшитиш бўсағасига келувчи товуш кучи, (10^{-12} Вт/м²).

4. Товуш даражаси - , дБ.

- Қуидаги ифода билан аниқланади:



$$L_A = 20 \lg \frac{P_A}{P_0} , \text{ дБА}$$

- бу ерда:

- P_A – шовқин үлчагич асбобининг “A” шкаласи бўйича үлчангандай товуш босими, Па;

- Шовқин үлчагич асбобининг кўрсаткичлари инсон қулоқининг субъектив сезирлиги билан деярли бир хил бўлиши учун асбобининг “A” частотавий характеристикиси мавжуд.

- “A” частотавий характеристика барча октава полосаларида инсон қулоғининг субъектив сезирлигига, ҳар хил товуш баландлигига ҳам, деярли мос келади (9-расм).

5. Товуш тебраниши частотаталари - f , Гц.

- Товуш тебранишлари частотаси мұхитнинг бирор нүктаси орқали вақт бирлигіда (1 сек) ўтган түлқинлар сони билан аниқланади ва герцда үлчанади. $1 \text{ Гц} = 1 \text{ теб./сек.}$
- Ҳар бир түлқинсимон тебраниш үзининг тебраниш частотасига әга. Агарда тебранишлар частостаси **16..20000 Гц** оралиғида бўлса, бу тебранишлар инсоннинг эшитиш аъзоларида сезги (товуш) ҳосил қиласди. Товуш частотаси **16 Гц** дан **кичик** бўлса инфратовуш, **20000 Гц** катта бўлса ультратовуш деб аталади ва улар инсон қулоғида товуш сезгисини ҳосил қilmайди (10-

ERROR: syntaxerror
OFFENDING COMMAND: --nostringval--

STACK: